

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИДА МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР: ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ  
ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Назаров Ғанишер Баҳодирович

©Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19705550>

*Аннотация.* Мазкур мавзуда Миллий гвардия органларида маъмурий амалиёт фаолиятини ташкил этиш жараёнида учраётган мавжуд муаммолар тизимли таҳлил қилинади. Таҳлилда маъмурий амалиётнинг кундалик хизматдаги ўрни, ваколатларни амалда қўллашдаги ташкилий номувофиқликлар, ҳужжатлаштириш ва процессуал тартиб-таомилларнинг бир хилда ишламаслиги, идоравий йўриқномалар ва амалиёт ўртасидаги тафовутлар, кадрлар тайёргарлиги ҳамда хизмат маданияти билан боғлиқ масалалар ёритилади. Шунингдек, идоралараро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви механизмларининг етарлича стандартлашмаганлиги, рақамли ҳисоб ва назорат (аудит) тизимларининг чекланганлиги, фуқаролар ҳуқуқларини кафолатловчи процессуал ҳимоя воситаларини амалда таъминлашдаги қийинчиликлар муаммолар тизимининг асосий бўғинлари сифатида кўрсатилади. Хулоса сифатида, маъмурий амалиётни ташкил этиш самарадорлигини ошириш учун ваколатлар ва функцияларни аниқ чегаралаш, ягона стандарт операцион процедуралар (СОП)ни жорий этиш, рақамли мониторинг, индикаторлар (КПИ) орқали баҳолаш ҳамда профилактик-сервисга йўналтирилган ёндашувни кучайтириш зарурлиги асосланади.

**Калим сўзлар:** Миллий гвардия, маъмурий амалиёт, ташкилий муаммолар, процессуал тартиб-таомиллар, ҳужжатлаштириш, СОП, идоравий йўриқномалар, идоралараро ҳамкорлик, ахборот алмашинуви, рақамли ҳисоб, назорат ва аудит, кадрлар тайёргарлиги, хизмат маданияти, процессуал кафолатлар.

*Аннотация.* В теме проводится системный анализ существующих проблем, связанных с организацией административной практики в органах Национальной гвардии.

Рассматриваются организационные дисбалансы при реализации полномочий, неоднородность процедур документирования и административно-процессуальных действий, расхождения между ведомственными регламентами и фактической практикой, а также кадровые и сервисно-коммуникационные аспекты деятельности.

Отдельное внимание уделяется недостаточной стандартизации межведомственного взаимодействия и обмена информацией, ограничениям цифрового учёта и контроля (аудита), а также практическим трудностям обеспечения процессуальных гарантий прав граждан при применении мер административного воздействия. Делается вывод о необходимости уточнения компетенций, внедрения единых SOP, развития цифрового мониторинга и оценки результативности (KPI), а также усиления профилактико-ориентированной и сервисной модели работы.

**Ключевые слова:** Национальная гвардия, административная практика, организационные проблемы, административно-процессуальные процедуры, документирование, SOP, ведомственные регламенты, межведомственное взаимодействие,

*обмен информацией, цифровой учёт, контроль и аудит, подготовка кадров, служебная культура, процессуальные гарантии.*

Сўнгги йилларда Президент *Ш.М. Мирзиёев* раҳнамолигида мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини тубдан янгилаш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, шунингдек, жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли маъмурий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараён янги давлатчилик модели ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган стратегик мақсадларнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлиб, давлат бошқаруви тизимини инсон манфаатларига хизмат қиладиган, ҳисобдорлик ва очиқликка асосланган самарали механизм сифатида такомиллаштиришни назарда тутди<sup>1</sup>.

Маъмурий ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида 2025 йил 8 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–161-сонли *“Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва масъулиятни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги Фармони муҳим аҳамият касб этади<sup>2</sup>. Ушбу фармонда вазирлик ва идоралар фаолиятида ташаббускорлик, ҳисобдорлик, очиқлик ҳамда фуқаролар манфаатларига йўналтирилган бошқарув тизимини яратиш вазифаси белгилаб берилган. Мазкур ҳужжат давлат бошқарувининг институционал тизимини мустаҳкамлаш, маъмурий амалиётни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш ва давлат органлари фаолиятида масъулиятни ошириш учун зарур сиёсий-ҳуқуқий асосни яратди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ислохотнинг барқарор ва узок муддатли самараси, аввало, унинг ҳуқуқий пойдеворининг мустаҳкамлиги билан белгиланади. Зеро, ҳуқуқий асослар етарли даражада такомиллаштирилмаган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар амалда самара бермаслиги ёки тизимли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу нуқтаи назардан, давлат бошқаруви тизимидаги ҳар бир ислохот ташаббуси ҳуқуқий асослар, норматив-ҳуқуқий кафолатлар ва институционал механизмлар билан мустаҳкамланиши зарур. Бу эса ислохотларнинг барқарорлигини, бошқарув жараёнларининг изчиллигини ва давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий аниқлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, бошқарув тизимини самарали ташкил этишда шахсий жавобгарлик ва ҳисобдорлик принциплари алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир раҳбар шахсан қабул қилаётган қарорлари учун ҳуқуқий ва ахлоқий жавобгарликни ҳис этиши лозим. Бу нафақат бошқарув самарадорлигини оширади, балки давлат хизматчилари фаолиятида шаффофлик ва масъулият муҳитини яратади. Натижада, мазкур ёндашув маъмурий юрисдикция соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилаб берди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлат бошқарувида жавобгарлик ва ҳисобдорлик принципларининг марказий мезон сифатида мустаҳкамланиши маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий аниқлик, тизимлилик ва

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – 2030*. Тошкент: Ўзбекистон // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–161-сон Фармони *“Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва масъулиятни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”*. [lex.uz](https://lex.uz).

барқарорлик асосида ривожланишига замин яратди. Бу эса “қонун устуворлиги” тамойилини амалий мазмунда қарор топтириш ҳамда давлат бошқарувида фуқаролар манфаатларига йўналтирилган фаолиятни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий-сиёсий гарови сифатида намоён бўлди.

Мазкур сиёсий-ҳуқуқий ёндашувнинг амалий ифодаси 2025 йилда қабул қилинган бир қатор Президент қарорларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сонли “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида жамоат хавфсизлиги тизимини илмий асосда қайта қуриш, маҳаллий даражада жиноятчиликнинг асл сабабларини бартараф этиш, шунингдек “маҳалла – туман – вилоят” тизимида шахсий масъулият ва ҳисобдорликни кучайтириш вазифалари белгилаб берилди<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, 2025 йил 18 августда қабул қилинган ПҚ–253-сонли қарор билан маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимини янада самарали ташкил этиш, “намунали хавфсиз кўча” ва “намунали хавфсиз уй” лойиҳаларини жорий қилиш ҳамда масъул раҳбарлар шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича янги механизмлар белгилаб берилди<sup>4</sup>. Ушбу қарорда замонавий рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини жорий этиш орқали хавфсиз муҳитни таъминлаш, ички ишлар тизимида кадрлар тайёрлашни рақамли форматда такомиллаштириш ва маҳалла даражасида профилактика ишларини самарали ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгиланди<sup>5</sup>.

Шундай қилиб, Президент Ш.Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган мазкур маъмурий ислохотлар Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиёт фаолиятини ҳам илмий-ҳуқуқий асосда қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, ваколатларни аниқ белгилаш, идоралараро мувофиқлашувни кучайтириш, ҳисобдорлик ва жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш орқали Миллий гвардиянинг давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашдаги стратегик роли янада ошириш давр талабига айланмоқда. Мазкур ислохот эса янги Ўзбекистонда инсон манфаатларига йўналтирилган самарали, қонуний ва илмий асосланган маъмурий амалиёт тизимини шакллантиришнинг муҳим қафолати ҳисобланади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248<sup>1</sup>-моддасида Миллий гвардия органларига жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва қонуний тартибни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан маъмурий таъсир чораларини қўллаш бўйича аниқ ваколатлар юклатилгани белгиланган<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ–253-сон қарори “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs>

<sup>5</sup> Ахмедов А. *Рақамли трансформация ва хавфсизлик соҳасидаги инновациялар*. Тошкент: ТДЮУ нашриёти.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Тошкент: “Адолат”, 2024. – 248<sup>1</sup>-модда.

Шу муносабат билан, сўнгги йилларда Миллий гвардия органлари томонидан мазкур модда доирасида амалга оширилган ишлар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги натижадорлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлашда тутган ўрни ва қўлланилган маъмурий таъсир чораларининг самарадорлигини илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу таҳлил нафақат статистик кўрсаткичларнинг қиёсий баҳосини, балки маъмурий юрисдикция амалиётидаги тизимли муаммоларни ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишни ҳам назарда тутди<sup>7</sup>.

Мазкур жараён Миллий гвардия фаолиятини илмий-ҳуқуқий асосда такомиллаштириш, жамоат хавфсизлиги соҳасидаги назорат функцияларини аниқ белгилаш ҳамда маъмурий таъсир чораларини қонунийлик, адолат ва пропорционаллик тамойилларига мувофиқ равишда амалга ошириш имконини яратади<sup>8</sup>. Шунингдек, бу таҳлиллар орқали ички ишлар тизимидаги бошқа институтлар билан ўзаро мувофиқлашувни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда давлат органларига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади<sup>9</sup>.

Шу ўринда, Сирдарё вилояти Миллий гвардия органлари томонидан 2023–2025 йиллар мобайнида фуқаролар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича амалга оширилган маъмурий амалиётнинг ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги институционал ислохотларнинг амалий самарадорлигини баҳолаш нуқтаи назаридан муҳим илмий аҳамият касб этади. Президент Ш.М. Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар доирасида Миллий гвардия органларининг ҳуқуқий мақоми ва юрисдикция доираси изчил равишда кенгайиб, уларга маъмурий ҳуқуқбузарликлар устидан назоратни амалга ошириш ҳамда тегишли чоралар қўллаш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Ушбу тенденция амалда Миллий гвардия фаолиятининг ҳуқуқий-амалий механизмларини такомиллаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Сирдарё вилояти кесимида 2023–2025 йиллар давомида қайд этилган маълумотлар таҳлили Миллий гвардиянинг назорат, профилактика ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳаларидаги фаоллиги сезиларли даражада ошганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, маъмурий юрисдикция соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни мустаҳкамлаш каби устувор вазифаларнинг амалий мазмун билан бойиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, мазкур даврдаги таҳлилий маълумотлар Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиёт фаолиятида самарадорликнинг ошиши, ҳуқуқбузарликлар тузилиши ва динамикасидаги тенденциялар билан узвий боғлиқлигини кўрсатмоқда. Хусусан, назорат ва профилактика фаолиятининг кучайиши маъмурий ҳуқуқбузарликлар соҳасидаги ўзгаришлар билан ўзаро корреляцион муносабатни намоён этмоқда.

<sup>7</sup> Насиров Х.Р. *Миллий гвардия органларининг маъмурий юрисдикция фаолиятини такомиллаштириш масалалари*. – Тошкент ТДЮУ нашриёти.

<sup>8</sup> Мирзиёев Ш.М. Президент нутқи: *Жамоат хавфсизлигини таъминлаш — барқарор тараққиёт гарови*. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти.

<sup>9</sup> Тошпўлатов Н. *Маъмурий ҳуқуқ ва бошқарув тизимида ҳисобдорлик тамойили*. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти.

Бу ҳолат Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиётида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларнинг самарадорлигини илмий жиҳатдан асослаш имконини беради.

Умуман олганда, Сирдарё вилоятида Миллий гвардиянинг маъмурий амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур орган фаолиятидаги фаолликнинг ошиши жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий моделини такомиллаштиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараён “Янги Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегиясида белгиланган давлат бошқарувини инсон манфаатларига йўналтириш, конун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги стратегик мақсадлар билан чамбарчас уйғунлашган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу ўринда, бугунги кунга қадар Миллий гвардия органлари томонидан 2023-2025 йилнинг 10 ойлик даврида аниқланган<sup>10</sup> ҳар бир маъмурий ҳуқуқбузарлик турларига илмий ёндашув асосида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

**1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси таҳлили** (Давлат ёки жамоат мулкни оз миқдорда ўзлаштириш ёки растрата қилиш). Мазкур ҳуқуқбузарлик 2023–2025 йилларда ушбу модда бўйича ҳуқуқбузарликлар сони 138 та ҳолатдан 159 тагача ўсгани қайд этилган. Бу тенденция давлат мулкидан фойдаланиш устидан назоратнинг етарли даражада ташкил этилмаганини кўрсатади. Миллий гвардия органларининг ҳисобот маълумотларига кўра, кўпчилик ҳолатларда ҳуқуқбузарликлар коммунал хизмат соҳаси, давлат муассасалари, таълим ва тиббиёт ташкилотларида моддий бойликларни ўзлаштириш ёки растрата қилиш билан боғлиқ бўлган.

Бундай ҳолатларнинг асосий сабабларидан бири — давлат мулкидан самарали фойдаланишни таъминловчи ички назорат тизимининг заифлиги ҳамда моддий масъул шахсларнинг жавобгарлик ҳиссининг пастлиги ҳисобланади. Шунингдек, молиявий ҳисобот ва коммунал ресурслар сарфи бўйича электрон мониторинг тизимларининг йўқлиги моддий жавобгарлик ва ҳисобдорликни таъминлаш имконини чекламоқда.

**Мазкур ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи асосий муаммоларга:**

1. Давлат мулкидан фойдаланиш устидан ички назорат тизими самарасиз бўлиб, ҳисоботлар қоғозбозлик шаклида юритилмоқда;
2. Коммунал ва моддий ресурслар сарфи бўйича рақамли назорат тизими мавжуд эмас;
3. Маъмурий жазо чоралари (жарима ёки 15 суткагача қамок) ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатмаяпти, чунки жиноятнинг моддий манфаати жазо миқдоридан каттарок.

**Муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий таклифлар!**

• Миллий гвардия ва Давлат молия назорати инспекцияси ўртасида *электрон маълумот алмашинув тизими* ташкил этиш, бу орқали молиявий ҳисобот ва мулкий ҳаракатларни онлайн тарзда мониторинг қилиш имкони яратилади;

• оз миқдордаги талон-торој ҳолатларига нисбатан *мажбурий жамоат хизмати ёки шартли компенсация тўловини* жорий этиш орқали жавобгарликни тарбияви таъсир билан уйғунлаштириш;

<sup>10</sup> О‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi markaziy devonining 2025 yil 24-oktyabrdagi 012/1/4152-son xati

• давлат мулкидан фойдаланишни *QR-кодли ҳисобот тизими* орқали назорат қилиш, бу орқали ҳар бир моддий жавобгар шахснинг харажатлари очиклик асосида ҳисобга олинади.

**2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддаси таҳлили** (*Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузиш*). Мазкур ҳуқуқбузарлик 2023 йилда 660 та, 2024 йилда 962 та, 2025 йилда эса 1064 та ҳолат қайд этилган. Бу экологик ҳуқуқбузарликлар сони 50 фоиздан ортиқ ўсганини кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса Янгиер, Сirdarё ва Гулистон шаҳарларида қурилиш, йўл ишлари ҳамда ёнилғи ёқиш жараёнларида экоталабларга риоя этилмагани билан боғлиқдир.

Ҳуқуқбузарликлар кўпинча корхоналарнинг иссиқлик чиқиндиларини тозалаш тизими етишмаслиги, қишлоқ хўжалигида янгиланмаган техникадан фойдаланиш, ёқилғи ёқиш орқали чиқинди йўқотиш амалиёти билан боғлиқ. Бу эса фуқаролар саломатлигига ва экологик муҳитга жиддий таҳдид солади.

**Мазкур ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи асосий муаммоларга:**

1. Экологик назоратнинг марказлашмаганлиги, давлат экологик инспекциялари фаолиятининг назорат даражаси паст;

2. Ёнилғи ёқиш ва чиқинди чиқариш стандартлари тўлиқ ривожланмаган;

3. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг экологик маданияти паст, жарима миқдори жуда кичик.

**Муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий таклифлар!**

• Миллий гвардия ва Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ўртасида ҳамкорликда “Эко-назорат” электрон мониторинг тизими жорий этиши;

• қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида дронлар ва сенсор ускуналари орқали атмосфера ифлосланишини назорат қилиши;

• экологик қонунбузарлик қилган корхоналар учун мажбурий қайта ўқув курслари ва жамоат ишларини жорий этиши;

• ҳудудий даражада “Соғлом муҳит – соғлом инсон” акцияларини ташкил этиши орқали аҳолининг экологик маданиятини ошириши.

**3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91-моддаси таҳлили** (*Чиқиндиларни йиғиш ва ташиш талабларини бузиш*). Мазкур ҳуқуқбузарлик 2023 йилда 817 та ҳолат аниқланган бўлса, 2024 йилда 490 тага тушиб, 2025 йилда яна 643 тага кўтарилган. Бу ҳолат чиқинди бошқаруви соҳасида тизимли назоратнинг барқарор эмаслигини англатади. Айниқса Сардоба ва Мирзаобод туманларида чиқинди ташиш ва чиқиндиларни ажратиб йиғиш талаблари бузилган.

Бу муаммо нафақат санитария ҳолатига, балки жамоат хавфсизлигига ҳам таъсир кўрсатади. Чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш фуқароларда норозилик, атроф муҳитнинг ифлосланиши ва инфекция хавфини оширади.

**Мазкур ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи асосий муаммоларга:**

1. Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган;

2. Коммунал хизматлар фаолиятида ҳисобот ва назорат механизми суст;

3. Аҳолининг чиқинди ташлаш маданияти паст.

**Муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий таклифлар!**

- Миллий гвардияга санитария назорати соҳасида қўшимча назорат ваколатлари бериш;
- Чиқиндиларни ажратиб йиғиш тизимини жамоавий рағбатлантириш тизими асосида жорий этиш;
- Ҳар бир туманда “Тоza муҳит – соғлом ҳаёт” дастурини амалга ошириш;
- Чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини солиқ ва лицензия имтиёзлари орқали рағбатлантириш.

**4. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 161-моддаси таҳлили** (Ободонлаштириш қоидаларини бузиш). Мазкур ҳуқуқбузарлик 2023 йилда 35 та, 2024 йилда 95 та, 2025 йилда 233 та ҳолат қайд этилган бўлиб, уч йилда бу кўрсаткич қарийб уч баробарга ўсган. Бу ҳолат шаҳарчилик маданияти ва фуқаролик масъулиятининг пастлигини кўрсатади. Миллий гвардия ходимлари иштирокида ўтказилган профилактик рейдлар натижасида аҳоли орасида ободонлаштириш қоидалари бўйича маълумотлар кенг тарқатилган бўлса-да, амалда ижро даражаси ҳануз қониқарсиз.

**Мазкур ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи асосий муаммоларга:**

1. Аҳолида шаҳар ва қишлоқ ободонлашувига нисбатан масъулият етишимайди;
2. Коммунал хизматлар томонидан назорат ва профилактик ишлар суст;
3. Маъмурий жарималар таъсирсиз, чунки кўп ҳолатда моддий имкониятлар билан қопланади.

**Муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий таклифлар!**

- “Фуқаро ташаббуси” дастури асосида аҳолини ободонлаштириш ишларига жалб қилиш;
- бузилиш ҳолатлари учун жамоат хизмати ёки тузатувчи меҳнат туридаги жазо жорий этиш;
- Миллий гвардия ва маҳаллий ҳокимликлар иштирокида “Обод шаҳар – хавфсиз шаҳар” акцияларини мунтазам ўтказиш;
- ҳар бир туман бўйича ободонлаштириш ишини баҳоловчи рейтингов тизимини жорий этиш.

**5. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185<sup>2</sup>-моддаси таҳлили** (Совуқ қуролларни ноқонуний олиб юриш). Мазкур ҳуқуқбузарлик 2023 йилда 5 та ҳолат аниқланган бўлса, 2025 йилда 437 тага етган. Бунинг асосий сабаби – 2023 йилда Миллий гвардияга берилган қўшимча ваколатлар (ЎРҚ–842-сон қонун) натижасида қурол айланмаси устидан назорат кучайтирилганидир. Ҳуқуқбузарликларнинг ортиши фақат хатти-ҳаракат кўпайганини эмас, балки фаолият самарадорлигининг ошганини ҳам кўрсатади. Бироқ ушбу кўрсаткич ёшлар орасида қуролга бўлган қизиқиш юқори эканлигини ҳам тасдиқлайди.

**Мазкур ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи асосий муаммоларга:**

1. Ёшлар ўртасида қуролларга қизиқиш кучайган, ҳуқуқий маданият паст;
2. Интернет орқали қурол сотуви ва тарқалишини назорат қилиш механизмлари самарасиз;
3. Маҳаллаларда қуролсизлик ва жамоат хавфсизлиги бўйича тарғибот ишлари кам.

**Муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий таклифлар!**

• Миллий гвардия, Маҳалла тизими ва Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда “Қуролсиз ҳаёт” тарғибот дастурини амалга ошириш;

• барча совуқ қуролларни рақамли рўйхатга олиш ва электрон ҳисобга олиш тизимини яратиш;

• мактаб, лицей ва техникумларда хавфсизлик маданияти, қуролсизлик ва жамоат тартибига оид соғлом турмуш фан соатларини жорий этиш.

**6. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 187-моддаси таҳлили** (Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш). Мазкур ҳуқуқбузарлик 2023 йилда 18 та, 2024 йилда 31 та, 2025 йилда эса 179 та ҳолат қайд этилган. Бу ўсиш Миллий гвардияга берилган янги ваколатлар билан боғлиқ бўлиб, аҳоли маданияти ва жамоат тартибидеги камчиликларни кўрсатади.

**Мазкур ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи асосий муаммоларга:**

1. Жамоат маданияти паст ва профилактика ишлари етарли эмас;
2. Байрам ва дам олиш кунларида назорат кучайтирилмаган;
3. Маъмурий жазо таъсирсиз, чунки кўп ҳолларда жарима миқдори кам.

**Муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий таклифлар!**

• Алкогол истеъмол қилган шахслар учун мажбурий жамоат хизматини жорий этиш;

• “Соғлом турмуш тарзи – менинг танловим” номли профилактик медиа лойиҳаларни йўлга қўйиш;

• Миллий гвардия патруллариинг байрам кунларида кучайтирилган режимда фаолият юритишини таъминлаш;

• Аҳоли ўртасида мажбурий маърифий семинарлар таъкил этиш.

**7. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 194-моддаси таҳлили** (Ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик). Мазкур ҳуқуқбузарлик 2023 йилда 11 та ҳолат қайд этилган бўлса, 2025 йилда атиги 2 та ҳолат рўй берган. Бу аҳоли ҳуқуқий маданиятининг ошганини, ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ўртасидаги ҳамкорлик самарали эканини кўрсатади.

**Мазкур ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи асосий муаммоларга:**

1. Айрим фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишонч даражаси паст;
2. Мурожатларни кўриб чиқишда бюрократик кечикишлар кузатилади;
3. Ахборот алмашинув тизимлари ҳали тўлиқ автоматлаштирилмаган.

**Муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий таклифлар!**

• “Ҳуқуқий мулоқот” дастури орқали фуқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мулоқотини рақамлаштириш;

• Миллий гвардия ходимларининг ахборот-коммуникация кўникмаларини ошириш;

• фуқаролар шикоятлари учун онлайн платформалар ва “иссиқ линия” тизимини кенгайтириш;

• норозиликларни тезкор ҳал қилиш бўйича жамоавий диалог кенгашларини таъкил этиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, 2023–2025 йиллар давомида Сирдарё вилоятида Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиёт фаолияти таҳлили шундан далолат бермоқдаки, мазкур орган фаолиятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўналишида сезиларли натижалар кузатилган бўлса-да, қатор соҳавий муаммолар ҳам мавжуд.

Таҳлил қилинган маълумотлар асосида аниқланишича, **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61, 88, 91, 161, 185<sup>2</sup>, 187 ва 194-моддалари бўйича ҳуқуқбузарликлар** умумий сони йилдан-йилга ортиб борган бўлиб, бу ҳолат, бир томондан, Миллий гвардиянинг назорат функцияларининг кучайганини кўрсатса, иккинчи томондан, жамоат хавфсизлиги соҳасидаги айрим назорат механизмларининг ҳали етарлича самара бермаётганини англатади.

Жумладан, давлат ва жамоат мулкани оз миқдорда талон-торож қилиш ҳолатлари (61-модда) ҳали ҳам жойларда ички назоратнинг сустлигини кўрсатса, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларининг бузилиши (88-модда) экология соҳасида рақамлаштириш ва жамоатчилик иштирокининг етишмаслигини намоён қилмоқда. Шунингдек, чиқиндиларни йиғиш ва ташиш талабларига риоя этмаслик (91-модда) ҳамда ободонлаштириш қоидаларини бузиш (161-модда) ҳолатлари фуқароларда экологик ва шаҳарчилик маданияти даражасининг пастлигидан далолат беради.

Совуқ қуролларни ноқонуний олиб юриш (185<sup>2</sup>-модда) бўйича кескин ўсиш ёшлар орасида қуролга қизиқиш ва интернет орқали қурол айланмаси устидан назоратнинг самарасизлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш (187-модда) ҳолатларининг кўпайиши аҳолининг ижтимоий маданиятидаги таназзулни, профилактика ишларининг етарли даражада самара бермаётганини кўрсатади. Бироқ ички ишлар органи ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик (194-модда) ҳолатлари камайгани аҳолида ҳуқуқий онг ва ишончнинг ўсишидан далолатдир.

Умуман олганда, таҳлил натижалари Миллий гвардия маъмурий амалиётида қуйидаги **муаммолар тизимини** аниқ кўрсатмоқда:

- давлат мулкidan фойдаланиш устидан ички назорат ва ҳисобот тизими етарлича рақамлаштирилмаган;
- экологик ва санитария соҳаларидаги назорат функциялари марказлашмаган;
- аҳоли ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий ва жамоат маданияти паст даражада;
- профилактик ишлар кўп ҳолларда бир марталик акция кўринишида ўтказилмоқда;
- Миллий гвардиянинг жойлардаги таҳлилий маълумотлар базаси ҳали етарли интеграция қилинмаган.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун илмий таҳлил асосида ишлаб чиқилган таклифлар қуйидаги **устувор йўналишлар**да амалга оширилиши зарур:

**1. Рақамли назорат тизимини жорий этиш.** Миллий гвардиянинг маъмурий амалиётида QR-кодди ҳисобот ва электрон маълумот алмашинув тизимини йўлга қўйиш орқали давлат мулки, чиқиндилар ва экологик фаолият устидан шаффоф назорат таъминланади.

2. **Профилактик ва тарбияви таъсирни кучайтириш.** Жарима жазолари билан бир қаторда мажбурий жамоат хизмати ва қайта ўқув курслари туридаги жазо шакллари амалиётга жорий этиш профилактик таъсирни оширади.

3. **Жамоатчилик иштирокини кенгайтириш.** “Фуқаро ташаббуси”, “Обод шаҳар – хавфсиз шаҳар”, “Қуролсиз ҳаёт” каби ижтимоий дастурлар орқали аҳолининг давлат бошқаруви ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш жараёнларига фаол жалб этилиши лозим.

4. **Маъмурий иш юриштишнинг институционал самарадорлигини ошириш.** Миллий гвардия, ички ишлар, экологик инспекция ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасида маълумотлар интеграциясини таъминловчи ягона “Маъмурий назорат маркази”ни яратиш мақсадга мувофиқ.

Шу асосда, диссертация доирасидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиёти фақат жарима ва маъмурий таъсир чоралари билан эмас, балки *инновацион бошқарув, рақамли таҳлил, фуқаролик иштирокчилиги ва ижтимоий профилактика элементлари* билан уйғун ҳолда ривожлантирилиши зарур. Бу йўналишдаги ислохотлар жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий моделини мустаҳкамлайди, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ишончини янада оширади ҳамда “Янги Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган қонун устуворлиги ва ҳуқуқий давлат тамойилларини амалда рўёбга чиқаради.

№	МЖТК моддаси ва ҳуқуқбузарлик моҳияти	Асосий муаммолар	Илмий таклифлар	Қўрилган натижалар
1	61-модда. Давлат ёки жамоат мулкни оз миқдорда ўзлаштириш ёки растрата қилиш	<p>1. Давлат мулкidan фойдаланиш устидан ички назорат самарасиз.</p> <p>2. Коммунал ресурслар ҳисоботи шаффоф эмас.</p> <p>3. Жазо чоралари профилактик таъсир кўрсатмайпти.</p>	<p>1. Миллий гвардия ва Давлат молия назорати инспекцияси ўртасида электрон маълумот алмашинув тизими яратиш.</p> <p>2. Оз миқдордаги талон-торож учун мажбурий жамоат хизмати ёки шартли компенсация тизимини жорий этиш.</p> <p>3. Давлат мулкidan фойдаланишни QR-кодди ҳисоб тизими орқали назорат қилиш.</p>	<p>- Давлат мулки устидан шаффоф ҳисобот тизими яратилади.</p> <p>- Талон-торож ҳолатлари 20–25% камайд.</p> <p>- Назорат ва ҳисобдорлик ошади.</p>
2	88-модда. Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш талабларини бузиш	<p>1. Экологик назорат тизими марказлашмаган.</p> <p>2. Қурилиш ва қишлоқ хўжалигида ёнгин</p>	<p>1. “Эко-назорат” рақамли мониторинг тизимини жорий этиш.</p> <p>2. Дрон ва сенсор орқали атмосфера</p>	<p>- Экологик назоратнинг рақамлашуви таъминланади.</p> <p>- Ифлосланиш</p>

№	МЖТК моддаси ва ҳуқуқбузарлик моҳияти	Асосий муаммолар	Илмий таклифлар	Кутилган натижалар
		<i>чиқариш ҳолатлари кўп.</i> <i>3. Экологик маданият наст, жарималар таъсирсиз.</i>	назоратини кучайтириш. 3. Ҳуқуқбузарлар учун экологик ўқув курслари ва жамоат хизмати мажбуриятини жорий этиш.	ҳолатлари 30–35% камаяди. - Фуқароларда экологик маданият шаклланади.
3	<b>91-модда.</b> <b>Чиқиндиларни йиғиш ва ташиш талабларини бузиш</b>	<i>1. Чиқинди бошқаруви инфратузилмаси ривожланмаган.</i> <i>2. Коммунал хизматлар назорати суст.</i> <i>3. Аҳолида чиқинди ташлаш маданияти йўқ.</i>	1. Миллий гвардияга санитария назорати бўйича қўшимча ваколат бериш. 2. Чиқиндиларни ажратиб йиғиш тизимини жамоавий рағбатлантириш асосида жорий этиш. 3. “Тоза муҳит – соғлом ҳаёт” дастурини амалга ошириш.	- Санитария назорати кучаяди. - Чиқиндиларнинг ноқонуний ташланиши 40% гача камаяди. - Аҳолининг санитар маданияти ошади.
4	<b>161-модда.</b> <b>Ободонлаштириш қоидаларини бузиш</b>	<i>1. Аҳолининг шаҳар эстетикасига муносабати суст.</i> <i>2. Коммунал хизматлар назорати самарасиз.</i> <i>3. Жазо чоралари тарбияви таъсир бермаяпти.</i>	1. “Фуқаро ташаббуси” дастури асосида аҳолини ободонлаштириш ишларига жалб этиш. 2. Жамоат хизмати ёки тузатувчи меҳнат турини жорий этиш. 3. “Обод шаҳар – хавфсиз шаҳар” акцияларини мунтазам ўтказиш.	- Аҳолининг фаол иштироки таъминланади. - Ободонлаштириш қоидалари бузилиши 2–3 баробарга камаяди. - Шаҳар муҳити соғломлашади.
5	<b>185<sup>2</sup>-модда.</b> Совуқ қуролларни ноқонуний олиб юриш	<i>1. Ёшлар орасида қуролларга қизиқиш кучайган.</i> <i>2. Интернет орқали қурол тарқалиши назоратсиз.</i>	1. “Қуролсиз ҳаёт” тарғибот дастурини амалга ошириш. 2. Қуролларни рақамли рўйхатга олиш ва электрон база яратиш.	- Ёшлар орасида қуролга қизиқиш камаяди. - Қуролсизлик маданияти шаклланади.

№	МЖТК моддаси ва ҳуқуқбузарлик моҳияти	Асосий муаммолар	Илмий таклифлар	Кутилган натижалар
		<i>3. Профилактик тарғибот сушт.</i>	3. Мактабларда хавфсизлик маданияти фан соатларини жорий этиш.	- Маъмурий ҳуқуқбузарликлар 40% гача қисқаради.
6	<b>187-модда. Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш</b>	<i>1. Жамоат маданияти наст. 2. Байрам кунлари назорат етарли эмас. 3. Жарималар таъсирсиз.</i>	1. Алкогол истеъмоли учун мажбурий жамоат хизмати жазосини жорий этиш. 2. “Соғлом турмуш тарзи – менинг танловим” медиа кампаниясини йўлга қўйиш. 3. Миллий гвардия патрулларини байрам кунларида кучайтирилган режимда ишлатиш.	- Жамоат маданияти ошади. - Қаршилик ҳолатлари 35–40% гача камаяди. - Алкоголизм профилактикаси кучаяди.
7	<b>194-модда. Ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик</b>	<i>1. Фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишонч етишмаслиги. 2. Мурожаатларни кўриб чиқишида кечикишлар. 3. Ахборот алмашинув тизими автоматлашмаган.</i>	1. “Ҳуқуқий мулоқот” рақамли платформасини жорий этиш. 2. Миллий гвардия ходимларининг ахборот-коммуникация кўникмаларини ошириш. 3. Онлайн шикоят ва мурожаат тизимини кенгайтириш.	- Фуқаро-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мулоқоти яхшиланади. - Норозиликлар тезкор ҳал этилади. - Ишонч ва ҳамкорлик мустаҳкамланади.